Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
23 июль
ШАНБА
№ 59 (12903)

www.th.uz

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XIII сессиясини чақириш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XIII сессияси 2016 йил 26 июль куни соат 8.00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими С. АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳри 2016 йил, 22 июль.

❑ Фаоллар йиғилиши

Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибият мудирлари, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий кенгаш аъзолари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоятдаги бошқарма ва ташкилотлар мутасаддилари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ва уларнинг тегишли соҳа бўйича ўринбосарлари, шунингдек, ҳудудларда фаолият юритаётган бир гуруҳ тадбиркорлар иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев олиб борди.

АМАЛИЙ ИШЛАР, ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Кун тартибига мувофиқ, фаоллар жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари муҳокамасига эътибор қаратди.

Қайд этилганидек, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, табиий шароит ва хом ашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экспорт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги мақсадли дастурлар ижроси юзасидан кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 7,3 фоиз ўсишига эришилди. Шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, қурилиш ишлари 10,5, чакана савдо айланмаси 13,8, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 15,9 фоизга кўпайди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳаётга татбиқ этиш орқали жойларда 98 та ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш борасидаги чора-тадбирлар самарасида 165 та давлат объекти "ноль" харид қийматида инвесторларга сотилди.

Умуман, иқтисодиётнинг қатор йўналишларида олиб борилган саъй-ҳаракатлар пировардида, ҳудудий бандлик дастурини рўёбга чиқаришга кенг йўл очди. Унга мувофиқ, ҳисобот даврида вилоятда 46,3 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 36,7 мингтаси қишлоқ жойлардадир.

Фаоллар йиғилиши, шунингдек, қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қуриш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва бу борадаги муҳим чора-тадбирлар ижросига алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўз-ўзини танқид ва чуқур таҳлил руҳида ўтган йиғилишда эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим соҳаларда камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётгани таъкидланди. Уларни бартараф этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, мутасаддиларга аниқ топшириқ ва тавсиялар берилди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётган шодиёналардан бири – вилоятимизнинг Оҳангарон тумани, Сусам қишлоғидаги Суяртепа тарихий обидасида ташкил этилди.

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Барҳаёт мерос" гранти лойиҳаси асосида илк маротаба ташкил этилган "Илоқ" этнографик фестивали халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси, қадриятларини тиклашга бўлган эътиборнинг намунаси сифатида иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

ТАМАДДУНЛАР БЕШИГИСАН, ОТАМАКОНИМ!

❑ Фестиваль



Оҳангарон воҳасида жойлашган қадимий Илоқ давлати ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин эгаллаган. У Тошкент воҳасининг нуфузли, кўркам шаҳарларини ўз ичига олган ўлка сифатида тарихдан маълум. Деҳқончилик, ҳунармандчилик, қазилма бойликлари билан машҳур бўлган Илоқ X-XII асрларда кўплаб мамлакатлар билан маданий-иқтисодий алоқаларни ривожлантирган.

Фестивалда, таъбир жоиз бўлса, мана шу қадимий Илоқнинг маркази Суяртепа шаҳри қайта жонланди: бир томони баланд тоғлар, қирадирларга туташ кенг майдонга ўрнатилган "Суяртепа" аркаси, қатор-қатор савдо расталарини эслатувчи маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси, бир томонда дорбозлар, тепалик марказидаги республика Қўғирчоқ театри саҳнаси, ажойиб эртак қаҳрамонлари байрам иштирокчиларини карнай-сурнай, шўх-шодон куй-қўшиқлар садолари остида даврага чорлаб турибди.

Давоми 2-бетда.

❑ Эҳтиром

Каттага ҳурмат, кичикка иззат халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Шу сабабдан, юртимизда кексалар ҳолидан хабар олиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва бой ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиш эзгу анъана, боқий фазилатдир.

ИНСОН АЗИЗ

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 25 йиллик шодиёналари арафасида жойларда бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Шу каби тадбирлардин бири Қибрай туманидаги "Фахрийларни соғломлаштириш маркази"да ўтказилди.

Давоми 2-бетда.



Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

БАҲОДИР БАЙРОҚДОР БЎЛАДИ

Дунё спортидаги улкан воқеалардан бири – ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига оз фурсат қолди. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларимизнинг асосий қисми жўнаб кетди. Уларни кузатиш маросими тантанали тарзда ўтди.

❑ Ифтихор

Олимпия қўмитаси биносида йиғилган спортчиларимиз Ҳазрати Имом масжидини зиёрат қилишди. Шундан сўнг, Мустақиллик майдонига йўл олдилар. Спортчилар Мустақиллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр она сиймоси, Амир Темур ҳамда Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Мусобақанинг очилиш маросимида терма жамоамиз таркибида байроқдор бўлиш ҳар бир спортчи учун улкан шарафдир. Ана шу шарафли вазифа бу сафар истеъдодли боксчимиз Баҳодир Жалоловга ишониб топширилади. Мусобақага жиддий ва масъулият билан тайёргарлик кўрган спортчиларимизнинг ғалаба билан қайтишларига ишонамиз. Муҳими, уларда ўзларига ишонч ва ғурур туйғуси бор. Кеча интернет орқали олис қитъадаги терма жамоамиз аъзолари билан боғландик.

* * *

Баҳодир ЖАЛОЛОВ, бокс бўйича Жаҳон чемпионати совриндори:

– Ҳозиргина барчамиз Бразилиянинг Сан Паулу шаҳрига етиб келдик. Энди бир муддат ҳордиқ чиқариб, кейин машғулотларга киришамиз.

Куни кеча жонажон пойтахтимизда XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Ўшанда минглаб ватандошларим қаршисида нақадар катта йўлга, қутлуғ ишга отланганимни янада теран англадим, Ватаним шаъни, обрўси учун курашишим лозимлигини чуқур ҳис қилдим. Ҳозир ҳар дақиқада, ҳар нафасда фақат шу масъулият ва ишонч ҳисси ҳақида ўйлаяпман.

Тошкентда улғайдим, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида таҳсил олар эканман, Ватанимиз барча соҳалар қатори спортда ҳам шиддат билан юксалиб бораётганини кўриб, кузатиб турдим. Масалан, 2012 йили Лондонда бўлиб ўтган Олимпиада мусобақаларида 63 нафар спортчимиз иштирок этган бўлса, бу йилги ўйинларда 100 га яқин спортчимиз қатнашиши кейинги тўрт йил ичида



профессионал спортимиз нақадар шиддат билан ўсганини кўрсатиб турибди.

Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мени бағриларига босиб, Олимпия ўйинларида чемпион бўлишимга ишонч билдирган эдилар. Ана шу ишонч менга ҳар қадамда далда, қанот бўлмоқда. Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтказиладиган афсонавий "Маракана" стадиони бўйлаб Ўзбекистон байроғини кўтариб ўтишдек шарафли вазифа менга топширилганидан фахрланаман.

22 июль, Бразилия, Сан-Паулу штати, «Sofitel» меҳмонхонаси.

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида 2013 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларини ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда бериш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган эди.

❑ Ислоҳот

Ўз навбатида, вилоят хўжалик судининг расмий сайтида даъво ариза ва илтимосномаларни қабул қилиш ва суд ҳужжатларини юбориш бўйича электрон дастурий таъминот ишга туширилди. Айни пайтда тадбиркорлик субъектлари мазкур дастурий таъминот орқали нафақат хўжалик судларига мурожаатларини электрон шаклда тақдим этиб бормоқдалар, балки ўзларига керакли суд ҳужжатларини ҳам электрон олиш имкониятига эгалар.

Масалан, 2015 йил мобайнида вилоят хўжалик судига электрон шаклда 2340 та мурожаат келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилнинг ўтган даврида 1668 тани ташкил этди.

Хўжалик судлари мажлисларининг видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши эса тадбиркорлар учун яратилаётган яна бир қулайликдир.

Бу – хўжалик ишини кўраётган суд мажлисига қатнашиши лозим бўлган бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектлари шу судга келмасдан ўзлари жойлашган ҳудуддаги хўжалик судининг биносига келиб, видеоконференцалоқа тизими орқали суд процессида иштирок этишлари мумкин, деганидир.

Давоми 2-бетда.



❑ Фестиваль

ТАМАДДУНЛАР БЕШИГИСАН, ОТАМАКОНИМ!

Байрам иштирокчилари орасида вилоят ҳунармандлари, бадиий жамоа ва гуруҳлари, археолог, ўлкашунос, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар бор.

Фестивални вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева очар экан, инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик, асрий орзулар рўёбига йўл очиб берган энг улуғ, энг азиз неъмат – мустақилликни асраш, эркин, озод Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, мана шундай дориламон кунлар туфайли ҳар кунимиз байрам, шодиёналарга бой ўтмоқда. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси раҳбарлигидаги "Дугоҳ" халқ мақом дастаси, "Шош наволари" ашула ва рақс ансамбли, "Оҳангарон", "Паркент гуллари", "Тўрғай", "Қурама оҳанглари" фольклор жамоалари ҳамда эстрадамиз вакилларининг чиқишларини мириқиб томоша қилган қатнашчилар қуёш астасекин тоғлар ортига бош қўйганини ҳам сезмай қолишди.

– Мен Суяртепа яқинидаги Санам қишлоғида яшайман, – дейди Мардона Абдушукурова. – Байрамга ўғил-қиз, келин, набираларим, хуллас, бутун оиламиз билан келдик. Қишлоғимиз аҳли меҳнатсевар, тадбиркор. Шу билан бирга бугунгидай мароқли дам олишни, байрам, шодиёналарни ҳам хуш кўришади...

Туманнинг "Илоқ", "Қурама", "Бирлик", "Янгилик", "Телов", "Кўксарой", "Намуна", "Қизилой", "Чувилдоқ" каби қатор маҳаллалари, қишлоқларидан келган ҳунармандларнинг маҳсулотлари уларнинг маҳоратидан дарак беради.

Энг муҳими, уларда миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат, бу неъматларни қайта тиклашга имкон берган истиқлолга садоқат, тинчлик-омонлик кунларга шукроналик туйғулари мужассам.

Тадбир сўнгида фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур НАҲАЛОВ
олган суратлар.



Бошланиши 1-бетда.

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ

Амалдаги Хўжалик процессуал кодекси қоидаларига биноан, хўжалик судида муайян ишни кўриш шу ишни кўраётган суднинг биносидаги мажлисда амалга оширилади. Бундай тартиб иш кўрилаётган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тарафлар учун, кассация шикояти Олий хўжалик судида кўрилаётганда эса иккала тараф учун ҳам анча вақт ва маълум миқдордаги маблағларни талаб этади.

Аввалambор, эндиликда бундай сарф-харажатлар кескин камаяди, ортиқча вақт йўқотиш ҳамда оворагарчиликларнинг олди олинади. Мисол учун, агар даъвогар Сурхондарё вилоятида, жавобгар эса Тошкент вилоятида бўлса, даъвогар суд муҳокамасида иштирок этиш учун Сурхондарё вилояти хўжалик суди биносига, жавобгар эса Тошкент вилояти хўжалик суди биносига келиб қатнашган ҳолда, биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси видеоконференцалоқа режимида олиб борилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, видеоконференцалоқа режимида суд мажлисини ўтказишга доир Хўжалик процессуал кодексига киритилган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни кўраётган суд биносидаги мажлисда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини чекламайди.

Видеоконференцалоқа тизимининг жорий этилиши вилоятлардаги тадбиркорлар, фуқаролар учун Олий хўжалик суди раҳбариятининг шахсий қабулларини ташкил этиш имкониятини ҳам яратиши аҳамиятлидир.

Хўжалик судларининг суд мажлиси залларига бунинг учун энг замонавий техник воситалар ўрнатилган. Мазкур тизим ишга туширилгандан буён 2015 йил мобайнида вилоят хўжалик суди томонидан жами 395 та суд процесслари видеоконференцалоқа орқали амалга оширилди, вилоят хўжалик суди томонидан бошқа вилоятларга 109 марта суд процесслари ўтказишда кўмаклашилди. 2016 йилнинг ўтган вақти мобайнида 305 та суд процесслари видеоконференцалоқа режимида ўтказилган бўлса, 154 марта бошқа вилоятларга кўмаклашилди.

Бу тизимнинг афзал томони шундаки, қонунда тарафларнинг суд мажлисини видеоконференция усулида ўтказиш талаби суд томонидан таъминланиши мажбурий этиб белгиланган. Яъни, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш бу тарафларнинг, тадбиркорларнинг ҳуқуқидир. Судьяларда мазкур ҳуқуқни чеклаш ваколати мавжуд эмас.

Хулоса қилиб айтганда, Хўжалик процессуал кодексига киритилган ушбу қўшимчалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш баробарида, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилади.

Х. ЖАЛИЛОВ,
вилоят хўжалик суди раиси.

❑ Эзгулик

Айни кунларда шаҳару қишлоқларимизда айём муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини кўриб, қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади.

ОБОД МАНЗИЛЛАР ТАРОВАТИ

Буни Ангрен шаҳри маҳаллалари, корхона ва ташкилотларидаги саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Улуғ байрам олдидан шаҳарда маҳалла фаоллари ташаббуси билан эълон қилинган ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишлари доирасида ташкил этилаётган умумхалқ хайрия ҳашарлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ҳашар кунлари маҳаллалар ҳудудида тозаликни таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, аҳоли тураржойлари, кўп қаватли бинолар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилиб, ҳудудларда боғлар яратиш, дам олиш майдончаларини ташкил этиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

– Маҳалламизда мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. – дейди "Самарчўғ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азим Маъдиев. – Ҳудудимиздаги 530 хонадонда 3197 нафар аҳоли истиқомат қилади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан фаолларимиз ҳамда ёшлар ташаббуси билан ҳашарлар ташкил этилмоқда. "Ҳашар – элга ярашар", деганларидек, бундай хайрли ишларда барча бир жону бир тан бўлиб иштирок этмоқда. Хусусан, кўпчиликнинг ҳаракати ва ҳиссаси билан анҳор ҳамда канал тозаланди, маҳалланинг ички кўчалари таъмирланди. Шунингдек, ёшларимиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уларга уй ишларида кўмак беришмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бундай тадбирлар жамиятимизда меҳр-оқибат, хайр-саховат муҳитини янада кучайтириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, хайрия ҳашари кунлари халқимизнинг юксак ватанпарварлик, эл-юрт манфаати йўлида бирлашиш, яратувчанлик, бунёдкорлик, меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатлари яна бир бор намоён бўлаётир.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҲАРАКАТ, ИБРАТ, РАҒБАТ

❑ Ишбилармон аёл – 2016

Айни пайтда вилоятимизда 23 минг 426 та тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бормоқда.

Уларга жорий йилнинг биринчи чорагида тижорат банклари томонидан 28,4 миллиард сўм кредит ажратилди.

Зеро, истиқлолнинг илк йиллариданоқ иқтисодиётни эркинлаштириш, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш, хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

O'zLiDeP томонидан ташкил этилган "Ишбилармон аёл" кўрик-танловини ўтказишдан мақсад ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олаётган тадбиркорларни рағбатлантириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйишдан иборат.

Танловнинг Тошкент вилояти босқичида иштирок этган 48 нафар тадбиркор, фермер, ҳунарманд хотин-қизлар беллашув шартларига кўра, фаолият туридан келиб чиқиб, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариши, хотин-қизлар учун қўшимча янги иш ўринлари яратгани, аҳолига кўрсатаётган хизматининг сифати ва янги инновацион ғоялари бўйича баҳолаб борилди. Кўргазмага қўйилган қишлоқ хўжалик, миллий ҳунармандчилик, тикувчилик маҳсулотлари қўли гул ишбилармон, тадбиркор аёлларимизнинг маҳорати, ғайрат ва шижоатини намойиш этиб турди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Мансур НАҲАЛОВ
олган сурат.



ИНСОН АЗИЗ

Бошланиши 1-бетда.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий кенгаши ҳамкорлигида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирда муассасада даволанаётган кекса отахону онахонлар ҳолидан хабар олинди.

– Дуо билан эл кўкаради. Доимо эъзоз ва эътиборда бўлган кексаларимиз эса юртимизга, истиқлолга кўз тегмасин дея, дуо қиладилар, – дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгаши раиси Н. Абдуллаев. – Бу эса инсон қадри азиз юртимизнинг келажаги бугуниданда буюк бўлади, деганидир.

Тадбир давомида соғломлаштириш масканига ташкилотчилар томонидан зарурий дори-дармон воситалари, тиббий ва маиший жиҳозлар тақдим этилди.

Шоир ва ёзувчилар ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

❑ Мутахассис тавсия этади

Техника – деҳқоннинг қаноти, деган гап бор. Албатта, қишлоқ хўжалиги самарадорлиги кўп жиҳатдан агротехника юмушларининг оби-тобида ўтказилишига боғлиқ. Бу муҳим жараённи, табиийки, энергетика ресурслари, ёқилғи-мойлаш ашёлари сарфисиз тасаввур этиб бўлмайди.

БЕПАРВОЛИКДАН САМАРАДОРЛИККА

Бир фермер хўжалиги йиллик сарф этилаётган ёқилғи-мойлаш ашёларининг атиги 1 фоизини иқтисод қилишга эришса, республика бўйича ўн минглаб шундай хўжаликлар ҳисобига бу миқдор катта-катта рақамларни ташкил этади. Ваҳоланки, таҳлилларга кўра, ҳар бир хўжаликда амалдаги сарф-харажатларни бемалол 10-15 фоизгача қисқартириш имкони бор.

Айтайлик, хўжаликларда бензин ё солярка сақланадиган идишларнинг тўла ё тўла эмаслигига кўп ҳам аҳамият қаратилмайди. Бензинни тўлатилмаган идишларда сақлаш мумкин эмас. Шунинг ўзи йилига 70-140 килограмм ёқилғи ҳавога учиб кетишига сабаб бўлади. Бундай сиғимларнинг номақбул ҳароратларда сақланиши, исиши йўқотишларни янада кўпайтириши ҳам бор гап. Бу, ҳатто, идишларнинг рангига ҳам боғлиқ экани кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмаса керак. Масалан қора, қизил рангли идишларда буғланиш анча юқори, умумий ҳажмнинг 1,24-1,14 фоизини ташкил этиши аниқланган.

Тракторларнинг мотори билан боғлиқ носозликлар, агротехник ускуналарнинг нобоплиги, ғилдираклардаги ҳаво босимининг меъёрда эмаслиги, двигателларнинг номинал иссиқлик режимида ишламаслиги, техникани аккумуляторсиз ишлатиш, дўнгликдан ўт олдириш каби омиллар борки, улар туфайли ёқилғи-мойлаш ашёлари сарфи 10 дан 30 фоизгача ошиши тажрибадан маълум. Афсуски, бундай ҳолларга кўплаб хўжаликларда дуч келишимиз мумкин.

Оққандан томган ёмон, деганларидек, булар бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин жиддий йўқотишлар келтириб чиқараётган жиҳатлардир. Шундай экан, қўлимиздан келадиган, асосан, ўзимизга боғлиқ бўлган вазифаларга безъитибор бўлмайлик.

Умиджон ТЎЛАЕВ,
"Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлими бош технологи.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

❑ Жараён

Буни Бекободдаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимиз металлургия тармоғининг етакчи корхонаси бўлган комбинат цехлари ва ишлаб чиқариш участкаларида таркибий ўзгаришларни кенгайтириш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган кўламли тадбирлар асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режаларни изчил бажариш билан биргаликда маҳаллий бозорни импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг июнь ойида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтган тармоқ саноат ярмаркасида ҳам "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотган эди. Бу ерда намойиш этилган маҳсулотларнинг 12 таси маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида ишлаб чиқарилгани ва ўз харидорларига эга бўлиб бораётгани алоҳида эътирофга сазовор. Буни ярмарка доирасида мижозлар билан маҳсулотларни сотиш бўйича 200 миллиард сўмликдан зиёд шартномалар имзоланганлиги ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Айни кунларда корхона цехлари ва ишлаб чиқариш участкаларида ишлар қизғин олиб борилмоқда. Бу белгиланган режа ва давлат буюртмаларини ўз вақтида бажарилишини таъминламоқда. Хусусан, комбинатда жорий йилнинг беш ойи мобайнида 280,230 тонна ҳажмида пўлат эритилиб, 302,699 тонна прокат маҳсулотлари, шу жумладан, маҳаллий саноат корхоналари учун 78,917 тонна пўлат золдирлари ҳамда 4577 тонна махсус сим маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва белгиланган режалар ортиғи билан уддаланди.

Сўнгги йилларда акциядорлик жамиятида кенг турдаги халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Улар ўзининг сифатлилиги билан харидорлар сафининг кенгайишига олиб келмоқда. Ўтган даврда бу ерда тайёрланган халқ истеъмоли молларининг ҳажми 26 млрд. 23,5 млн. сўмдан ортди. Энг муҳими, бу маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинди.

Ю. ИСАЕВА.



KAFOLAT
ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ



Яқинда кучли шамол оқибатида бир танишимнинг автомобили жиддий зарар кўрди. Ўзи тўй бошлаб қўйган, харажатнинг кети кўринмайди. Бир томонда "дард устига чипқон" бўлиб мана бу ҳолат... Нима қилишини билмай юрган дўстим автомобили суғуртаси бўйича "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" АЖга мурожаат қилди. Тез орада унинг автомобили таъмирланиб, ўз ҳолига келтирилди. Дўстимнинг юзидаги кувончни кўриб, мамлакатимизда иш юритаётган суғурта компаниялари фаолияти, жумладан, "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" АЖ ҳақида кенгроқ билиш фикри туғилди.

Бугунги кунда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси суғурта бозорида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Зеро, истиқлолнинг илк даврида юртимизда атиги битта давлат суғурта ташкилоти мавжуд бўлиб, у ҳам давлат муассасаси сифатида фаолият юритар эди. Бугунги кунга келиб эса, турли мулкчилик шаклидаги 29 та суғурта компанияси фаолият кўрсатиб, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган 1170 та бўлинмаси жисмоний ҳамда юридик шахсларга 130 дан зиёд суғурта хизматларини таклиф этмоқда.

Шу билан бирга, миллий суғурта бозорида 3 та суғурта брокери, 21 та ассистанс, аджастер, сюрвейерлар, 4 та актуар ташкилоти ўз хизматларини таклиф этмоқда. Ваҳоланки, бундан 25 йил илгари бундай муассасалар тугул, шу каби атамалар ҳам биз учун бегона эди.

Таъкидлаш жоизки, суғурта бозорида иштирокчилар сонининг жадал суръатларда ортиб бориши, аввало, эркин рақобат муҳитини шакллантирган бўлса, иккинчидан, мазкур соҳага иқтидорли кадрлар, хусусан, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг инновацион ғоялар билан кириб келишига кенг йўл очди.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги "Миллий экспорт қилувчиларни суғурталашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ўзгартириш киритилиб, тадбиркорлик субъектлари учун тавакалчиликларни қоплаш суғурта ташкилоти томонидан миллий валютада ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгиланди. Натижада, ҳар бир шахс кичик бизнес субъекти ташкил этиб, ўзи ишлаб чиқарган (етиштирган) маҳсулотини суғурта полиси орқали хоҳлаган давлатга экспорт қилиш ва суғурта компаниясига миллий валютада суғурта мукофотини тўлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эса экспортбоп маҳсулотлар ҳажми ва соҳада янги иш ўринлари ортишига замин яратди. Буларнинг бари мамлакатимиз суғурта бозорининг изчил тараққий этиши ва унинг халқаро доирада нуфузи мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти, албатта.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги қарори асосида ташкил этилган "KAFOLAT sug`urta kompaniyasi" АЖ ҳам, қарийб йигирма йилдирки, жисмоний ва юридик шахсларга умумий суғурталаш тармоғида рухсат этилган барча – 17 та класс бўйича ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта хизматларини таклиф этиб келмоқда. Дастлабки йилларда жойларда компаниямизнинг 48 та минтақавий тармоғи мавжуд эди, холос. Соҳадаги ижобий ўзгариш ва рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар туфайли қўшимча, 116 та янги суғурта маркази ишга тушди.

Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Яъни, ҳозиргача вилоятимизнинг чекка ҳудудларида очилиши режалаштирилган 6 та суғурта марказининг барчаси ишга туширилди. Бошқача айтганда, 2016 йил 1 июнь ҳолатига кўра, ўз

❑ Футбол

ЎЗБЕКИСТОН U-23 ТЕРМА ЖАМОАСИ ИРОҚНИ МАҒЛУБ ЭТДИ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт майдонида 23 ёшдан кичик бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон ва Ироқ терма жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур баҳсда Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги Ўзбекистон U-23 терма жамоаси ироқлик тенгдошларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Қизиқарли кечган баҳснинг 30-дақиқасида Жалолиддин Машарипов ҳисобни очиб, Ўзбекистонни олдинга олиб чиқди. Бироқ, 47-дақиқада ироқликлар вакили Алъа Абдулзаҳрон ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди.



Орадан етти дақиқа ўтар-ўтмас Ж. Машариповнинг ўзи пенальтини муваффақиятли амалга ошириб, жамоамиз ғалабасини таъминлади.

Ўз мухбиримиз.

Матонатли касб эгалари

Оддийгина эътиборсизлик натижасида юзага келадиган нохуш ҳолатлар катта кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

❑ Огоҳлик

Хавфсизлик талабларини бажариш ва турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан аниқ режа асосида барча халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолатлари текширувдан ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ёнғинларнинг олдини олиш, фуқаролар ва уларнинг мол-мулкини ёнғинлардан сақлаб қолиш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда. "Ҳамкорликда ҳикмат кўп", деган нақлга амал қилган ҳолда, фуқароларимиз ҳам мазкур вазифаларнинг тўлақонли амалга оширилишида бошқарма ходимларига кўмак бериб келишмоқда. Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, эътиборсизлик ва лоқайдлик оқибатида турли кўнгилсиз ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Ана шундай дилхираликларнинг олдини олишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш катта самара беради. Жумладан, газ ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда эҳтиёткор бўлиш, уларнинг соз ҳолда ишлашини мунтазам назорат қилиб бориш, ёш болаларни газ мосламаларига яқинлаштирмаслик лозим. Зеро, фалокат оёқ остида.

"Ўз уйингни ўзинг асра", деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ўз навбатида, хонадонларимиз тинчлиги ва кўнгил хотиржамлигини таъминлайди. Шу билан бир қаторда, турли жисмоний ва моддий зарарларнинг олдини олади.

Султон ҒАНИЕВ,
ёнғин хавфсизлиги инспектори.



ҚАЙДАСАН, ПОКЕМОН?

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деган гап бор. Эндигина 10 ёшга қадам қўйган шодландиялик Кайл Макинтер исмли бола онасига жаҳл қилиб, уйидан қочиб кетди. Маҳаллий нашрнинг ёзишича, бунга онанинг смартфондан болакайнинг севимли ўйини – Pokemon GO иловасини ўчириб ташлагани сабаб бўлган.



Pokemon GO андроид ва IOS базасидаги гаджетлар учун мўлжалланган реаллик элементлари бўлган ўйин ҳисобланиб, унда иштирокчи смартфони билан шаҳар бўйлаб покемонларни излайди ва уларни виртуал покеболлар ёрдамида тутади. Қўлга олинган персонажларни машқ қилдириб, бошқа ўйинчилар билан кураш ташкил этиш ҳам мумкин.

ТЕЗЛИГИНИ АЙТМАСА, ЎЗИ АЛОМАТ

Швейцарияда яқин орада электр моторли микроавтобуслардан жамоат транспорти сифатида фойдаланилиши мумкин. Айни пайтда мазкур мамлакатдаги Сьон шаҳрида худди шундай уловлар илк синовлардан ўтказилмоқда.



Қизиғи, электр токи ёрдамида ҳаракатланадиган микроавтобуслар ҳайдовчисиз, масофадан туриб бошқарилади. Афсуски, ҳозирча унинг тезлиги суст. Соатига бор-йўғи 20 километр масофани босиб ўтиши мумкин. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, одатда тирбанд шаҳар шароити учун бу чакки кўрсаткич эмас.

ЭСДАЛИК УЧУН... ВИДЕОҚУРИЛМАЛАР

Япониянинг машҳур "Funai" компанияси дунёда ҳанузгача VHS системали видеомагнитофонларни ишлаб чиқараётган ягона завод ҳисобланади. Яқинда компания маъмурлари VHS кассеталарини "ўқувчи" бундай қурилманинг энг охирги нусхаларини чиқаришаётганини маълум қилишди.



Бунга сабаб, истеъмолчиларда бундай видеомагнитофонларга талаб мутлақо йўқолганидир. Шунга қарамай, ўтган йили компания 750 минг дона видеоқурилмани сотувга чиқарганди. Ваҳоланки, "Sony" компанияси бундай маҳсулот ишлаб чиқаришдан 2002 йилда, "JVC" эса 2008 йилда воз кечгани кўпчиликка маълум.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

❑ Қонун ҳимоясида

Зайдуллохон аслида ёмон одам эмас – чаққон, абжир, ишбилармон... Аммо, "Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскади" унитар корхонасига раҳбар бўлди-ю, босар-тусарини билмай қолди.

Табиийки, унинг атрофида ҳам ўзига ўхшаш "юлдузни бенарвон урадиган шоввозлар" парвона эди. Эҳ-ҳе, уларга ишониб нима ишлар қилмади, дейсиз?! Бўлмаса, миллион-миллион сўмлик мол-мулкни талон-торож қилишнинг ўзи бўлармиди? Бу борада унга Ғазалкент ГЭСини бошқараётган ҳамтовоғи Сомонбой Тиллаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) энг яқин ҳамкор бўлди. Электрцех устаси Содирхон Аҳмедов, бевосита ўз раҳбарлиги остида ишлаётган "Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскади" унитар корхонаси машина цехи муҳандиси Оловуддин Усинов, гидроцех бошлиғи Тожибой Ниғматов, ўринбосари Фозилжон Норбоев, омборхона мудири Зоҳиджон Маҳмудов билан биргаликда бемалол, ҳеч бир андишасиз талон-торож ишларини олиб боришди.

КЕСИЛГАН ЧИНОРЛАР, ЎМАРИЛГАН МИЛЛИОНЛАР...

Дастлаб, ўзи раҳбарлик қилаётган корхона ҳудудидаги 18 та азамат чинорни кесиб, бир қисмини ўз уйига, қолганини ҳамтовоқларига тарқатди. Бу билан у 23 миллион 265 минг сўмлик давлат мулкини ўзлаштириб юборди. Қараса, иш хамирдан қил суғургандек, битаяпти. Сохта маълумотлар киритилган далолатнома эса, кўнгилдаги ҳадикни йўқотгандек бўлди. "Нима бўпти, давлат мулкини ўмарганинг билан камайиб қолармиди?", ўйлади у. Навбатдаги луқма унга янада тотли туюлди. "Ўзэлектртармоқ" унитар корхонаси кўрсатмаси билан юборилган ҳар бири 10 миллион 264 минг 131 сўм турадиган катта ҳажмли идишлар ҳеч қандай ҳужжатсиз корхона омборига яшириб қўйилди. Вақти келганда пуллаб юборилса ким билиб ўтирибди... Зайдуллохон бора-бора ўзини "ҳокими мутлақ" дея ҳис қилдими, ишқилиб, мўмай даромад топишнинг янгиянги усулларини ўйлаб топди. У ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, тунги вақтда ишлаган ходимларига (гарчи бу Меҳнат кодексига зид бўлса-да) қўшимча ҳақ тўлаш баҳонасида 112 миллион 160 минг 531 сўмлик иш ҳақи ёзди, лекин унинг 92 миллион сўмини тарқатмади. Қолгани ўзи ва ҳамтовоқлари ҳамёнини тўлдирди.

Ҳа, одамзотнинг заиф томони ҳам шу: ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди. У жиноий ҳаракатларини давом эттириб, корхонага тегишли 94 турдаги ишлаб чиқаришдан олиб ташланган ускуналар ва товар-моддий бойликлар ҳисобланган 69 хил турдаги ускуналарни бухгалтерия ҳисобига олдирмай, боз устига 69 миллион 840 минг 700 сўмлик товар-моддий бойликларни ҳам шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш учунми, металлломга топширмайди. Хуллас, бу жиноий гуруҳнинг кирдикорлари прокуратура ходимлари томонидан фош этилгунча озмунча давлат мулки ўзлаштириб юборилмади... Лекин, "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади", деганларидек, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Текширишлар натижасида, яна 8 миллион 878 минг 563 сўмлик ускуна ва эҳтиёт қисмлар ариқларга яшириб қўйилгани, 244 минг 565 сўмлик трубалар, ҳар бири 10 миллион сўм турадиган катта ҳажмли цистерналар ҳамда товар-моддий бойликлар қора бозорда сотиш учун шай қилиб қўйилгани аниқланди. Хуллас, "Кўза кунда эмас, кунида синади" деганларидек, давлат ва халқ мулкини талон-торож қилишга устаси фаранг жиноий гуруҳ прокуратура томонидан текширила бошлангач, ўз қилмишларини хаспўшлашга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, кирдикорлари фош бўлиб қолди. Омборхонада, томда, яна кимларнингдир уйида яширилган товар-моддий бойликлар "биз бу ердамиз" дегандек, "бош"ларини кўтариб қараб туришарди.

Шундай қилиб, жиноятлари фош бўлган гуруҳ аъзолари ўз қилмишлари учун жавоб бериш пайти келганини сезмай қолишди. Суд ҳукмига кўра, ҳар бир жиноятчи ўз қилмишига яраша жазосини олди. Етказилган моддий зарар ундириб олиниши билан бирга, инсонпарварлик тамойили устувор давлатимиз сиёсати туфайли, қамоқ жазоси ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш билан алмаштирилди. Энди 2-3 йилсиз моддий жавобгарлик вазифаларига қўйилмайдиган бу "шоввоз"лар вақти келиб, ўз хатоларини такрорлашмайди, деган умиддамиз.

Ҳожиакбар НОДИРОВ,
вилоят прокуратураси назорат бўлими прокурори.

❑ Ҳажвия

Иложим йўқ, хўжайин

– Ассалому алайкум, хўжайин, чақиртирган экансиз.

– Ҳа, келдингми? Қани, бу ёққа ўтир. Энди гап бундай. Юқоридан прогулчиларга қарши қандай чора кўраётганимиз ҳақида маълумот талаб қилишаяпти.

– Ахир бизда ҳеч ким прогул қилмайди-ку...

– Тўғри, мен ҳам шундай дедим. Аммо, улар барибир кўрилаётган чора ҳақида маълумот, деб ҳоли-жонимга қўйишмаяпти. Шунга сени чақиртирувдим.

– Мен нима қила оламан?

– Сенми? Сен бизни мана шу қийин вазиятдан қутқаришинг керак.

– Қандай қилиб?

– Э, бунинг йўли осон. Сен прогул қиласан. Биз сенга чора кўрамиз ва бу ҳақда юқорига маълумот берамиз. Тамом-вассалом.

– Қандай чора кўрасизлар?

– Ҳмм... Масалан, бир ойлик мукофот пулидан маҳрум қилишимиз мумкин.

– Э, йўқ, йўқ, тўғри келмайди.

– Қўрқма, пулингни кейин қайтариб берамиз. Айтяпман-ку, бу ҳаммаси шунчаки йўлига. Тушундингми?

– Тушундим. Хўш, унда қачон прогул қилай?

– Хоҳлаган куninг. Қани, календарни кўрайликчи. Хўш, масалан, душанба куни прогул қила оласанми?

– Душанба куни иложим йўқ.

– Нега?

– Бошқа шаҳарда турадиган акамга қўнғироқ қилишим керак.

– Уйингдан қўнғироқ қилаверасан-да.

– Уйимда телефон йўқ-ку...

– Хўш, унда сешанбада-чи?

– Сешанба ҳам тўғри келмас экан...

– Нега энди?

– Хабарингиз йўқми, ўша куни ўринбосарингизнинг туғилган кунлари...

– Э, дарвоқе. Ундай бўлса чоршанбада прогул қила оларсан...

– Чоршанбада идораларо шахмат бўйича мусобақа ўтказилади. Мен биринчи тахтада ўйнашим керак.

– Пайшанба-чи?

– Пайшанбада театрга билет тарқатаман...

– Уфф!.. Жума куни бир иложини қиларсан?

– Узр, хўжайин, мундоқ ўйлаб кўрсам, умуман прогул қилолмас эканман. Жума куни олдимга бир танишим келади, келишиб қўйганмиз.

Ходим хонасига қайтиб чиқди. У ерда домино ўйнаб, бошқотирма ечиб ўтирган ҳамкасбларига кўзи тушаркан, ўзига ўзи деди:

– Хўжайин ҳам қизиқ-де, шундай шароитда қайси аҳмоқ прогул қилади?!..

Г. Горин ҳажвиясини Шодмон Отабек таржима қилган.

❑ Эҳтиёт шарт!

САЛОМАТЛИК АСОСИ – ЭЪТИБОР

Азалдан қишлоқ жойлардаги хонадонларни чорва молларисиз тасаввур қилиш мушкул. Бу, ўз навбатида, фуқароларимизни гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда ёрдам беради. Аммо, масаланинг эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган иккинчи жиҳати ҳам бор. Чорвачиликни ривожлантиришда чорва моллари касалликларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда, ҳайвонлардаги турли касалликлар инсонларга ҳам хавф солиши мумкин. Куйдирги шу каби касалликлардан биридир.



Ижтимоий тармоқларда, айрим интернет сайтларида июль ойи бошларида тарқалган хабарлар кўпчиликни хавотирга солди. Хўш, ўзи куйдирги қандай касаллик? Юқиш омиллари нималардан иборат? Аҳолининг хавотирига асос борми?

Куйдирги – ҳайвонлар ва одамлар учун умумий бўлган ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланиб, дунёда кенг тарқалган хасталиклардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, куйдирги бўйича эпизоотик – эпидемик вазият дунёнинг кўпгина ҳудудларида, хусусан, Африка ва Осиё давлатларида мураккаблигича қолмоқда.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларидан олинаётган маълумотларга қараганда, кейинги пайтларда республикамизга қўшни бўлган давлатларда ҳам куйдирги бўйича мураккаб вазият қайд этилган.

Куйдирги табиий ўчоқли касаллик бўлиб, чорвачилик ривожланган ҳудудларда кўпроқ учрайди ва, асосан, касалликка чалинган ҳайвонларни сўйиш, терисини шилиш, гўштини майдалаш, ташиш ва тозалаш жараёнида юқиши мумкин.

Касалликнинг энг кўп учрайдиган шакли терининг очиқ жойларида учрайдиган яралардир. Бундай ҳолатда ўз вақтида шифокорга мурожаат қилинса, касалликдан халос бўлиш мумкин. Аммо, унинг ўпка ва ичакларда учрайдиган шакллари инсон учун фожиали якунланиши кузатилган.

Касалликни келтириб чиқарувчи бактериялар (споралар) ҳосил қилиб, ташқи муҳитга ўта чидамли бўлади.

Терига тушган куйдирги таёқчаси аввал қичишади ва қизил доғ ҳосил қилади. Доғ тугунчага айланиб, бир неча соат ичида пуфакча ҳосил бўлади. Доимий қичиши оқибатида пуфакча ёрилиб, ичидан суюқлик ажралади (сачраган суюқлик янги пуфакчаларни ҳосил қилади). Ёрилган пуфакча ўрнида қора рангли, ўзидан зардобли суюқлик ажратиб турувчи, атрофи шишиб кўтарилган яра ҳосил бўлади. Шу вақтга келиб, ярага яқин жойлашган лимфа тугунлари ҳам каттала шади. Энг асосий белгиси – яралар оғриқсиз бўлади. Яра ҳосил бўлиши билан тана ҳарорати кўтарилади, эт увишади, бош айланади, кўнгил айнийди, ҳолсизлик сезилади (ўпка шаклида қон қусади, ичак шаклида эса ич кетиши қон билан кузатилиб), бу ҳолат 5-7 кун давом этади.

Юқоридаги белгилар кузатилганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим. Уй шароитида даволашга уриниш беморнинг аҳволини оғирлаштириб, фожиали якунга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳайвонлар ўртасида куйдирги касаллигининг олдини олишнинг энг асосий профилактик тадбирлари – бу чорва молларини ўз вақтида ҳисобга олиш ва уларни куйдиргига қарши тўлиқ эмлашдир.

Чорва молларини фақат кушхоналарда ва сўйиш майдончаларида, ветеринария ходими назорати остида сўйиш, касалланган чорва молларини уй шароитида мажбурий сўйиш зарурати юзага келганда, бу тадбирни, албатта, ветеринария врачи иштирокида амалга ошириш ҳам бу касалликка қарши курашишда самара беради. Энг асосийси, чорва моллари касалланса, уларни ўзбошимчалик билан даволамасдан зудлик билан ветеринария ходимларига мурожаат қилиш лозим.

Касалланган чорва молини сўйган ва сўйишда иштирок этган одамда бир ҳафта мобайнида қўлида ёки танасининг бошқа жойларида яра пайдо бўлса, дарҳол ҳудудий шифохонага мурожаат қилиш зарур. Уйда ўзи билганча даволаниш оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Шифохоналарда бундай хасталикларни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш учун барча шароит яратилган.

Бундай муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш ҳар бир инсондан тиббий маданият ва ўз саломатлигига эътиборли бўлишни талаб этади. Бунинг учун соғлом турмуш тарзига, санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя этиш лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли профилактик ва эпидемияга қарши чоратадбирлар натижасида, бугунги кунда куйдирги касаллиги бўйича эпидемик барқарорлик таъминланмоқда.

Баҳром АЛМАТОВ,
республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6548. Адади 7505. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 01.00.